



Asakabank

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Асакабанк” АЖ Қўқон
филиали бошқарувчиси

Д.Ш. Умаров

« » 2022йил



«Асакабанк» АЖ Қўқон филиали компьютер ва принтер
техникаларига техник хизмат кўрсатиш харид қилиш
бўйича энг яхши таклифларни танлаш хужжатлари
(электрон шаклда)

Буюртмачи: «Асакабанк» АЖ Қўқон филиали

Қўқон шахри 2022 й.



Asakabank

МУНДАРИЖА:

I Танлаш иштирокчиларига йуриқнома

II Танлаш техник қисми

III Танлаш нарх қисми

IV Шартнома лойихаси



Asakabank

I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ИУРИҚНОМА

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- | | |
|-----|--|
| 1.1 | Ушбу харид хужжатлари "Давлат харидлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни № 684 (кейинги ўринларда Қонун) талабларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги ПҚ-3550-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. "Лойихалашдан олдин, лойиха, тендер хужжатлари ва шартномаларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" (кейинги ўринларда қарор). |
| 1.2 | Харид предмети: - Компьютер ва принтер техник хизмат кўрсатиш. |
| 1.3 | Товарлар (иш, хизматлар) чегаравий қиймати ва валюта талаби ушбу харид хужжатларининг нарх қисмida кўрсатилган. Тижорат таклифида кўрсатилган нархлар чегара нархидан ошмаслиги керак. |
| 1.4 | Техник топшириклар ушбу харид хужжатининг техник қисмida келтирилган. |
| 1.5 | Харид комиссияси йиғилиш шакли - электрон тарзда. |

2. ДАВЛАТ БҮЮРТМАЧИСИ (КОРПОРАТИВ БҮЮРТМАЧИ)

- | | |
|-----|---|
| 2.1 | «Асакабанк» АЖ Қўқон филиали (кейинги ўринларда «Буюртмачи») харидлар буюртмачиси хисобланади.
«Буюртмачи» манзили: Қўқон шаҳар, Истиқлол кўчаси 25 уй.

Банк реквизитлари: 1) МФО 00631, ИНН 201589828, ОКЭД: 96120
р/с 29802000900000631005 в БАНКЕ «АСАКА».
e-mail: kokand@asakabank.uz
Телефоны: 78 147-6565 (3944) |
|-----|---|



Asakabank

2.2	<p>Буюртмачиси ва иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар: Фамилияси, исми, шарифи: Хамракулова Зилолахон Лавозими: Хисоб –китоб амалиётлари бўлимни бошлиғи Манзили: Ўзбекистон Республикаси, Қўқон шахри, Истиқлол кўчаси 25-ий Телефон раками: +(99891)154-03-50; Электрон почта манзили: kokand@asakabank.uz</p>
2.3	<p>Харидларни танлаш буюртмачисининг ходимлари орасидан камида беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилган харид комиссияси орқали амалга оширилади.</p> <p>Харид комиссияси қўйидаги вазифаларни бажаради:</p> <p>харид қилиш кужжатларини келишади; таклифлар қабўл қилиш муддатларини белгилайди; таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди; таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;</p> <p>зарур бўлганда таклифни киритиш тартибини; хажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;</p> <p>харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;</p> <p>дастлабки малака танловини ўтказади, агар харид қилиш хужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;</p> <p>зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини хисобга олган ҳолда қарор қабўл қиласди;</p> <p>зарур бўлганда баҳолаш гурухини ташкил этиш тўғрисида қарор қабўл қиласди;</p> <p>харид қилиш тартиб-таомилларини ушбу қонунга мувофиқ амалга оширади;</p> <p>харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ғолибини ва зарур бўлганда захирадаги ғолибни белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади.</p> <p>Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган харакатлар учун жавобгар бўлмайди.</p> <p>Харид комиссияси томонидан ўз ваколати доирасида қабўл қилинадиган қарорлар давлат буюртмачиси ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари учун мажбурийдир.</p>



Asakabank

2.4	<p>Шартнома эгаси: «Асакабанк» АЖ Қўқон филиали</p> <p>3. Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси</p> <p>Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) харид қилиш тартиб-таомилда давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида иштирок этаётган, Узбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган жисмоний ёки юридик шахсdir.</p> <p>Иштирокчи:</p> <p>давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;</p> <p>харид қилиш хужжатлари талабларига мувофиқ бўлган тақлифлар ва хужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлиши; асосий бенефицар мулқдор туғрисидаги маълумотларни ошкор этиши; ғолиб деб топилган тақдирда, давлат буюртмачиси билан.</p>
3.1	<p>4. ТАНЛАШНИ УТКАЗИШ ТАРТИБИ</p>
4.1	<p>ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚУЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:</p> <p>Иштирокчилар қуийдаги меъзонларга мувофиқ бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none">- шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
4.2	<ul style="list-style-type: none">- шартнома тузиш учун қонуний хуқуққа эгалик;- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.



Asakabank

4.3	<p>Танлашда иштирок этиш учун танлаш иштирокчиси қуидагиларни бажариши шарт:</p> <p>а) танлаш шартлари билан танишиш учун маҳсус ахборот порталида жойлаштирилган эълон билан танишиш ва танлаш хужжатларининг электрон нусхасини олиш (юклаб олиш); б) танлаш таклифини харид хужати ва электрон портал талаблари асосида тақдим этиши; в) таклифларни маҳсус ахборот портали платформасида фақат электрон шаклда тақдим этиши.</p>
-----	---

5. ТАНЛАШ ТИЛИ ВА ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ	
5.1	<p>Танлаш туғрисидаги ахборот давлат тилида эълон қилинади ва тарқатилади. Танлаш туғрисидаги ахборот давлат тили билан бир вақтда бошқа тилларда хам эълон қилиниши ва тарқатилиши мумкин. Бошқа тилларда эълон қилинаётган танлаш туғрисидаги ахборотнинг мазмуни давлат тилида эълон қилинган ахборотга мувофиқ бўлиши керак.</p> <p>Иштирокчилар танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлаши мажбурийдир.</p>
5.2	<p>Энг яхши таклифларни танлашда иштирокчи таклифида метрик ўлчов тизимидан фойдаланиш керак</p>

6. ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ ВА УНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БЕРИШ ТАРТИБИ	
6.1	<p>Иштирокчилар танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлашга мажбурдирлар.</p> <p>Танлаш иштирокчиларининг таклифлари эълонда ва танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида белгиланган тартибда танлаш ўтказиш туғрисидаги эълонда кўрсатилган маҳсус ахборот портали платформасида фақат электрон шаклда тақдим этилади.</p> <p>Таклифда давлат хариди обьекти бўлган товарнинг эскизи,</p>



Asakabank

	расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин. Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг хақиқийлиги ва туғрилиги учун жавобгар бўлади. Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга хақли. Танлаш учун таклифларни қабўл қилиш маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.
6.2	Иштирокчилар таклифларининг амал қилиш муддати танлаш таклифлари тугаган кундан бошлаб камида 30 иш куни бўлиши керак

7. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИНИ УЗАЙТИРИШ

7.1	Буюртмачи харид қилиш тартиб-таомилларининг барча иштирокчиларига татбиқ этиладиган таклифларни тақдим этиш муддатларини узайтириши ва қонунчиликда назарда тутилган холларда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари таклифларининг амал қилиш муддатини муайян даврга узайтириш туғрисидаги таклиф билан уларга мурожаат қилиш хукуқига эга.
-----	--

8. ТАНЛАШ БҮЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ

8.1	Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган холда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш хужжатларига ўзгартриишлар киритиш тўғрисида қарор қабўл қилишга хақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартриилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартриишлар
-----	---



Asaka bank

киритилади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартеришга йўл
қўйилмайди.

9. ТАНЛАШНИ ЎТКАЗИШ, ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ ОЧИШ, УЛАРНИ БАХОЛАШ

9.1	Келиб тушган таклифлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Танлаш буйича харид қилиш хужжатлари талабларига мос келмайдиган таклифлар харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди.
9.2	Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ун иш куни ичида амалга оширилади.
9.3	Агар танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилгэн хужжатларда ишончсиз ёки ёлғон маълумотлар аниқланса, Харид қилиш комиссияси бундай иштирокчини танлашда иштирок этиш хуқуқидан маҳрум этишга хақлидир
9.4	Таклифлар агар қонун, қарор, низом ва танлаш харид хужжатлари талабларига жавоб берса мос равища расмийлаштирилган деб топилади, акс холда харидлар комиссияси таклифларни рад этишга хақлидир.
9.5	Иштирокчи томонидан тақдим этилиши учун зарур бўлган малака хужжатларининг шакллари ушбу харид хужжатининг 1-иловасида кўрсатилган
9.6	Танлов хужжатлари ва таклифида кўрсатилган мезонларга асосан шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган иштирокчи ғолиб хисобланади.
9.7	Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлганда, Харид қилиш комиссияси танлаш иштирокчисини хабардор қилиб, танлаш таклифини рад этишга ёки уларни кейинги кўриб чиқиш учун бошха шартларни белгилашга хақлидир.
9.8	Таклифларни баҳолаш натижаларига кўра харид комиссияси



Asakabank

танлаш ғолибини аниқлайди	
9.9	Голиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга бўнак суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш хуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги ғолиб таклиф этилган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган холлар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.
9.10	Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак. Агар икки иш куни ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқilmайдi. Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушганда, харид комиссияси эътиrozларни куриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.
9.11	Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичida давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади. Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан маҳсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади

10. ТОМОНЛAR ЖАВОБГАРЛИГИ ВА МАХФИЙЛИКНИ СИР САҚЛАШ

10.1	Буюртмачи ёки давлат харидлари электрон тизими операторининг ходими ўзининг давлат харидлари ижрочилари
------	---



Asakabank

	<p>ёки қандай бошқа шахс билан муносабатларида, агар бундай ахборотни ошкор этмаслик давлат хавфсизлиги манфаатларини химоя қилиш учун зарур бўлса ёки агар бундай ахборотнинг ошкор этилиши қонунчиликка зид бўлса, уларга риоя этилишини таъминлашга монелик қилса, давлат харидлари субъектларининг қонуний манфаатларига зарар етказса ёхуд инсофли рақобатга тўсқинлик қилса, агар давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, хеч бир ахборотни ошкор этишга хақли эмас.</p> <p>Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, ушбу қарорнинг шартларига риоя этилади.</p> <p>Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиб, унинг харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиши билан бөглиқ таклифда ўзи кўрсатган барча маълумотларнинг эълон қилинишига розилик билдиради.</p>
10.2	<p>Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдорий, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) танлаш ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва / ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.</p>

11. ТАНЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БОШҚА ШАРТЛАР

11.1	<p>Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.</p> <p>Давлат буюртмачиси томонидан танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида ғолиб шартноманинг шартлари бажарилиши таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутувчи шарт қўйилиши мумкин.</p> <p>Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш хуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб</p>
------	---



Asakabank

	томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган холлар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.
11.2	Иштирокчилар давлат буюртмачисига ёки ушбу буюртмачи томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга муайян давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш хамда улардан тушунтиришлар олишга хақли.
11.3	Агар танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта хам таклиф тақдим этилмаган бўлса, шунингдек харидлар комиссияси томонидан таклифларнинг танлаш харид хужжатлари талабларига мос эмас деб топилган холларда танлаш ўтказилмаган деб хисобланади.
11.4	Давлат буюртмачиси ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда давлат харидини бекор қилиш хуқуқига эга. Давлат хариди бекор қилинган тақдирда давлат буюртмачиси бундай қарор қабул қилингандан кейин уч иш куни ичida давлат харидларининг электрон тизими орқали маҳсус ахборот порталида мазкур қарорнинг асослантирилган сабабларини эълон қиласди. Давлат буюртмачиси давлат хариди бекор қилинганлиги учун жавобгар бўлмайди, бундан бекор қилиш давлат буюртмачисининг ғайриқонуний харакатлари (харакатсизлиги) оқибати бўлган холлар мустасно.
11.5	Техник топшириқда товарлар наъмунаси талаб қилинган холларда, тижорат таклифларини топшириш муддати тугагунга қадар хар бир товар намунаси Иштирокчи томонидан техник баҳолаш учун Буюртмачига топширилиши керак. Бундай талаб баҳолаш мезонида кўрсатилади. Техник пецификациялар талабларига техник жихатдан жавоб бермайдиган товарлар Буюртмачи томонидан қабул қилинмайди. Ушбу холда ёки товарлар наъмунаси тақдим қилинмаган холларда таклифлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди ва бекор қилинади.



Asakabank

Танлаш таклифида кўрсатилган нархлар чегара нархидан ошмаслиги ва қўшимча равишда ўзгартирилиши мумкин эмас.

Иштирокчи нархларида хисобга олинган ҳолда ва хисобга олинмасдан нархларни тақдим этиши шарт.

1	Чегаравий нарх	24 000 000 сум (Йигирма тўрт миллион сўм) ҚҚС хисобга олинган ҳолда.
2	Молиялаш манбааси	Буюртмачининг ўз маблағлари
3	Товарлар хариди учун тўлов шартлари ва графиги:	Товарларга 100% тўлов юқори сифатли маҳсулотни қабул қилинганидан ва хисоб-фактурани топширгандан кейин 10 (ўн) банк иш куни ичидаги амалга оширилади.
4	Иш ва хизматлар учун тўлов шартлари ва графиги:	Ишлар (хизматлар) нархининг 100% суммаси буюртмачи томонидан кўрсатилган хизматлар / бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома асосида бажарилган ишлар / кўрсатилган хизматлар натижаси олинганидан кейин 10 (ўн) банк куни давомида Ижрочига тўланади. Бунда Ижрочи томонидан тақдим этилган хисоб-фактура иккала томондан имзоланган бўлиши керак. Кўрсатилган хизматлар / бажарилган ишлар далолатномаси Буюртмачи томонидан фақат иш / хизматларнинг ижобий натижасига эришилган тақдирда имзоланади. Қисмларга бўлиниб бажарилган ишлар / кўрсатилган хизматлар учун хақ тулашга рухсат берилади.
5	Иштирокчилар учун тўлов валютаси	UZS -Узбекистан Республикаси валютаси (Сум).
6		Офис ва компьютер жихозларига техник хизмат кўрсатиш 1. Картриджларни таъмирлаш ва



Asakabank

**Товарларни етказиш
муддати (иш ва
хизматларни бажариш
муддати)**

түлдириш. Тонер билан түлдириш ва компонентларни алмаштириш-сўров кунидан бошлаб 3 (уч) иш кунидан ошмаслиги керак. Таъмирлаш, түлдириш учун сўров жавоб вақти- кўпи билан 24 соат (сўров пайтидан бошлаб).
2. Офис жихозларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш. Техник ускуналар ўз ичига олади: техник профилактика, суртма суртиш, тузатиш ва қоғоз йўлини тозалаш; тозалаш, тўлқин тизимларига суртма суртиш; текшириш ва тозалаш, махкамлаш қисмига суртма суртиш; сканерлаш ва лойиҳалаш, лазерли ускуналарнинг элементларини тозалаш; компонентлар учун ускуналар диагностикаси - кўпи билан 10 (ўн) кун (дастур олинган кундан бошлаб).
3. Офис ва компьютер техникаси эҳтиёт қисмларини алмаштириш бўйича ишлар.
4. Компьютер ва орттехника воситалари учун нухсонларнинг тасдиқловчи актлар билан таъминлаш. Етказиб берувчи мижоздан сўров қабул қилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни мобайнида хизмат кўрсатиши шарт.
5. Алмашган қисмлар учун 1 йилдан кам бўлмаган кафолат, фақатгина асл эҳтиёт қисмлари.



Asakabank

7 Танлаш таклифи амал қилиш муддати	Таклифларни тақдим қилиш вақти тугаганида сүнг 60 иш куни
-------------------------------------	---

Бошқарувчи ўринбосари:

А.Гафуров

Бош бухгалтер ўринбосари:

Д.Курбанов

Ахборот технологиялари сектором мудири:

Р.Садиков

Бош юрисконсульт:

А.Рўзматов

Умумий бўлими мутахассиси:

К.Тургунов